# Аттасҳийл фи илм ас-сарф

## Маҳмуд Бухорий

Ушбу китоб қиёсий қоидалардан олинган озгина қисм бўлиб, бу қоидаларда муҳим фоидалар бор. Бу қоидаларни илми-сарфдан кейин ўқитилиб, толибларга ёдлатмоқ керак бўлади. Агар толиблар буни ёдлаб татбиқ қилсалар яхши фоидаларни истифода оладилар инша-Аллоҳ!

https://islamhouse.com/١٩٣٠٥٣


- Аттасҳийл фи илм ас-сарф
  - Рубоъий мазид боблари
  - الْمُشْتَقَّاتُ – Муштоқ исмлар
  - Жамъ исмлар
  - عَلامَةُ التَّرْقِيمِ - Тарқийм белгилари:
  - Нунут-таъкид:


# Аттасҳийл фи илм ас-сарф

ألْحَمْدُ لله رَبِّ الْعَالَمِينَ * وَالصَّلاةُ وَالسَّلامُ عَلَى رَسُولِ اللهِ مُحَمَّدٍ وآلِه وأصْحَابِهِ أجْمَعِين *

Илм толиблари ибораларда хатога йўл қўймасликлари учун сарф қоидалари ва аҳкомларини яхши билмоқлари керак. Ушбу сатрларда биз айрим қиёсий қоидаларни келтириб ўтишликни фоидадан холий эмас деб билдик.

Ушбу китобча қиёсий қоидалардан олинган озгина қисм бўлсада, бу қоидаларда муҳим фоидалар бор. Бу қоидаларни илми сарфдан кейин ўқитилиб, толибларга ёдлатмоқ керак бўлади. Агар толиблар буни ёдлаб татбиқ қилсалар яхши фоидаларни истифода оладилар инша-Аллоҳ!

Феълларнинг мазийдлари, ва сулосий мужаррад ва рубоий мужаррад бобларидан уларни мазийд бобларига кучиришликдан бўлган муҳим мақсадлар.

أَفْعَلَ - Бобига бир неча маъноларни ифодалашлиги учун кўчирилади:

IslamHouse.com

١ —ُ كَرُمَ феъли أَكْرَمَ, бобига мутаъаддий қилишлик учун ўтказилади масалан (كَرُمَ) феълининг маъноси -ҳурматли бўлмоқ бўлиб, агар (أَفْعَلَ) бобига ўтказилса ҳурматли қилмоқ маъносида бўлади мисол: أَكْرَمْتُ الرَّسُولَ.

٢ – Феълнинг моддасидан ҳосил бўлган ҳолатга кирмоқ маъносини ифода этишлиги учун мазкур бобга ўтказилади мисол:

أَمْسَى إِبْنُ السَّبِيل أي دخل إِبْنُ السَّبِيل فِي مَسَاءٍ

яъни йўловчи кечга кирди яъни кеч қилди.

٣ – Феъл ҳарфларига мувофиқ келадиган маконни мақсад қилиб жунаш маъносини ифода этишлик

учун мазкур бобга ўтказилади, мисол: أَحْجَزَ, яъни Ҳижозни мақсад қилиб жунади, (أَعْرَقَ) яъни Ироқни мақсад қилиб жунади.

٤ – Феълнинг фоилида фелнинг моддаси билан тузулган исмнинг мавжуд бўлишлиги учун мазкур бобга ўтказилади, мисол:, أَثْمَرَتِ الشَّجَرَةُ, яъни дарахтда мева мавжуд бўлди.

٥ – Муболаға маъносини ифода этишлик учун мазкур бобга ўтказилади, мисол: أَشْغَلْتُهُ, яъни у билан жуда қаттиқ шуғулландим.

٦ – Бир нарсани феъл моддаси билан бўлган сифатда топишликни ифода этишлик учун мазкур бобга

ўтказилади, мисол: أعْظَمْتُهُ وَ أحْمَدْتُه وأكْبَرْتُهُ, яъни وَجَدْتُهُ عَظِيمًا وَ مَحْمُودًا وَ كَبِيرًا яъни уни улуғ ва мақтовли буюк топдим, билдим.

٧ – (صَارَ) маъносида бўлишлиги учун мазкур бобга ўтказилади мисол: الْبَلَدُ أ قْفَرَ яъни صَارَ الْبَلَدُ قَفْرًا: шаҳар чўлу-бёбонга айланди, яъни сувсиз ва ўт – ўлансиз ва одамларсиз ерга айланди.

٨ – Намоиш қилмоқ маъносини ифода этмоқ учун мазкур бобга ўтказилади, мисол: أبَاعَ الْعَبْدَ, қулни сотувга намойиш қилди.

٩ – Салб (исбот маъносини йуқотмоқ) учун мазкур бобга ўтказилади, мисол: أشْفَي الْمَرِيضُ яъни касал шифосиз бўлди.

١٠ – Вақти бўлмоқ (етилммоқ) маъносини ифодалашлик учун бу бобга ўтказилади, мисол: أَحْسَدَ الزَّرْعُ яъни зироъатни жамълашлик вақти келди.

١١ – Гоҳида бу бобда бўлган феъл сулосий-мужаррадда бўлган феълининг маъносини ифода этади, мисол: قُلْتُ الْبَيْعَ – الْبَيْعَ أَقَلْتُ яъни савдони буздим.

فَعَّلَ - Бу бобга бир қанча маъноларни ифодалашлик учун кўчирилади:

١ – Сулосий – мужаррад бобида бўлган феъл лозим бўлса уни мутаъаддий қилишлик учун бу бобга ўтказилади, мисол: فَضَّلْتُهُ و فَرَّحْتُهُ, маъноси - уни улуғ қилдим ва уни хурсанд

қилдим. Чунки бу иккала феълнинг сулосий мужарраддаги феъллари лозим феълидир, яъни (فَضُلَ فَرِحَ) улуғ бўлмоқ, хурсанд булмоқ.

٢ – Кўпайтиришга далолат қилишлик учун сулосий мужарраддан бу бобга утказилади, мисол: قَطَّعْتُ الْحَبْلَ, маъноси - арқонни кўп булакларга кесдим.

٣ – Феълнинг асл маъносини мафъулига нисбат беришлик учун ҳам бу бобга утказилади, мисол: كَفَّرْتُهُ, яъни унга куфрни нисбат бердим яъни уни кофир дедим.

٤ – Салб -яъни тортиб олиб ташлашлик- маъносини

ифодалашлик учун бу бобга кучирилади, мисол: قَشَّرْتُ الْعُودَ, маъноси - навдони пустлоғини шилиб олиб таш-ладим.

٥ – Бир исмдан феълни ясаб олишлик учун бу бобга кўчирилади, мисол: خَيَّمَ الْقَوْمُ, яъни одамлар хиём яъни чайла ясаб олишди.

فَاعَلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маъноларни ифодалашлик учун кўчирилади:

١ – Кўпинча мушоракага далолат қилишлик учун бу бобга кучирилади. Мушоракадан мақсад бир киши иккинчи кишига бир-бирига қилган ишни қилишлиги, токи улардан ҳар

бири ҳам фоил ва ҳам мафъул бўлишлиги учун, мисол: ضارَب زَيْدٌ عَمْرًا, маъноси - Зайд Амр билан уришди.

٢ – (فَعَّل) маъносида бўлиб кўпайтиришга далолат қилишлик учун бу бобга кучирилади, мисол: ضاعف – ضَعَّف, маъносида бўлиб бир неча баробар кўпайтирди бўлади.

٣ – (أ فْعَلَ) маъносида бўлиб ҳам келади, мисол:

عَافَاكَ اللهُ — أعْفَاكَ اللهُ, маъносида бўлади яъни Аллоҳ сендан иллатни, балони ёмонликни қайтарсин! (بَاعَدْتُهُ) – (أبْعَدْتُهُ) маъносида бўлади яъни уни узоқлаштирдим.

٤ – Гоҳида эса (فَاعَلَ) ўзининг сулосий мужаррад феълининг маъносида бўлади, **мисол:** سَفَرَ، قَتَلَ، بَرَكَ- سَافَرَ زَيْدٌ, قَاتَلَهُ اللهُ، بَارَكَ اللهُ فِيهِ, маъносида бўлади яъни сафар қилди, қатл қилди, барака берди маъносидадир.

تَفَعَّلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маъноларни ифодалашлиги учун кўчирилади:

١ – (فَعَّلَ) бобининг мутоваъаси учун келади. Мутоваъа (فَعَّلَ) бобидаги фели мутаъаддийни мафъули билан боғлиқ ҳолатида бажарилган пайтида ундан ҳосил бўлган натижа фо -дан кейин айнан шу бобда уша фелнинг

моддасидан лозим фели бўлиб келишлигидир, мисол:

كَسَّرْتُ الزُّجَاجَ فَتَكَسَّرَ

яъни шишани синдирдим натижада синиб қолди.

٢ – Такаллуфни ифодалашлик учун бу бобга кучирилади. Такаллуфнинг маъноси: Фоил феълни ҳосил бўлишлиги учун тиришиб уринишлиги яъни ўзида бўлмаган ишни кўрсатишга уринишлигидир, мисол: تَشَجَّعَ عَمْرٌو, яъни Амр шижоъатни кўрсатиш учун қаттиқ уринди.

٣ – Фоил феълнинг аслини мафъул қилиб олишлиги учун бу бобга

кўчирилади, мисол: تَبَنَّيْتُ يوسف, маъноси - Юсуфни ўғил қилиб олдим.

٤ – Феълдан четланишга далолат қилишлиги учун бу бобга кўчирилади, мисол: تَأَثَّمَ أي جَانَبَ الإِثْمَ, маъноси -гуноҳдан четланди.

٥ – Айланмоқ (бўлиб қолмоқ) маъносини ифодашлик учун бу бобга кўчирилади, мисол: تَأَيَّمَتِ الْمَرْأَةُ, яъни аёл киши бевага айланди яъни бева бўлиб қолди.

٦ – Феълни аслини бир неча мартаба ҳосил бўлишлигига далолат қилишлиги бу бобга кўчирилади, мисол: تَجَرَّعَ أي شَرِبَ جُرْعَةً بَعْدَ جُرْعَةٍ, маъноси бир

неча қултум ютимлаб бирин-кетин ичди.

٧ – Талаб қилишликни ифодалашлиги учун бу бобга кўчирилади, мисол: تَبَيَّنْتُهُ, маъноси -уни баёнини талаб қилди.

٨ – Исмнинг моддасидан феълни қилиб олишлиги учун бу бобга кўчирилади, мисол: تَوَسَّدَ أي إتَّخَذَ وِسَادَةً,
маъноси  ёстиқ қилиб олдим.

٩ – Феъл моддасидан чиқарилган исмга мансуб бўлишлиги учун бу бобга кўчирилади, мисол:

أي إ نْتَسَبَ إلى الْبَادِيَةِ تَبَدَّى

маъноси -саҳрога мансуб бўлди яъни саҳровий бўлди.

تَفَعَّلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маънони ифодалашлиги учун кўчирилади:

١ – Кўп вақтларда мушорака маъносини ифодалашлиги учун келади, мушораканинг маъноси юқорида келди, мисол: تَصَالَحَ القَومُ, маъноси одамлар ўзаро сулҳ тузди.

٢ – فَاعَلَ бобидаги феъли мутаъаддийнинг мутоваъаси учун келади, мисол: بَاعَدْتُهُ فَتَبَعَّدَ, маъноси -уни узоқлаштирдим натижада узоқлашди.

٣ – Ўзида бўлмаган нарсани изҳор-намойиш қилиш маъносини ифодалашлик учун келади, мисол: تَمَارَضْتُ, маъноси -ўзимни касликга солдим.

٤ – Феълнинг фоил тарафдан секин-секин содир бўлишлигини ифодалайди, мисол: تَوَارَدَ الْقَوْمُ, маъноси -одамлар секин-секин ҳозир бўлдилар.

٥ – Гоҳида (تَفَاعَلَ) бобидаги феъл сулосий мужарраддаги феълининг маъносида бўлади, мисол:

تَعَالَى اللَّهُ وَتَسَامَى أي عَلاَ وسَمَا

маъноси -Аллоҳ олий ва буюк бўлди.

إِفْتَعَلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маъноларни ифодалшлик учун кўчирилади:

١ – Сулосий мужаррад бобидагидаги феъли мутъаддисининг мутоваъаси учун келади, мисол: جَمَعْتُهُ فَاجْتَمَعَ, маъноси - уни жамъладим натижада жамъланди.

٢ –Исмнинг моддасидан феълни қилиб олишшлик учун келади, мисол:

إِخْتَبَزَ أ ي إِتَّخَذَ الْخُبْزَ

маъноси  нон қилдим.

٣ – Муболаға маъносини ифадалашлиги учун бу бобга

кўчирилади, мисол: إِكْتَسَبَ, касб қилишда муболаға қилди.

٤ – Гоҳида талаб қилув маъносини ифодалайди, мисол:

(إِكْتَدّ فُلاَنًا)

маъноси -фалондан қаттиқ ишлашни талаб қилди.

٥ – Гоҳида (إِفْتَعَلَ) ўзининг феъли мужарради бўлган (فَعَلَ) бобига кўчирилади, мисол: إِجْتَذَبَ أي جَذَبَ, маъноси -тортилмоқдан тортмоқ маъносига кўчирилди.

٦ – Гоҳида (تَفَاعَلَ) маъносида бўлади, мисол: إِخْتَصَمَ أي تَخَاصَمَ, маъноси -ўзоро жанжал қилишди.

إِنْفَعَلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маъноларни ифодалашлик учун ўтказилади:

١ – Сулосий мужарраддаги феълининг мутоваъасини ифодалайди, мисол: كَسَرْتُهُ فَانْكَسَرَ, маъноси - уни синдирдим натижада синди.

٢ -Жуда кам ҳолатда (أَفْعَلَ) бобининг мутоваъаси бўлиб келади, мисол:

أَزْعَجَهُ فَانْزَعَجَ

маъноси -уни безовта қилди натижада у безовта бўлди.
(إِنْفَعَلَ) феълни таъсири яъни асари-изи зоҳир бўлган нарсадан бино қилинади. Мана шунинг учун ҳам (عَلِمْتُ المَسْأَلَةَ فَانْعَلَمَتْ)яъни масъалани билдим

натижада билинди дейилмайди, ёки (ظَنَنْتُ الأمْرَ فَانْظَنَّ) бир нарсани гумон қилдим натижада гумон бўлди дейилмайди.

إفْعَلَّ Бу бобнинг вазнига қуйидаги икки маънони ифодалашлик учун ўтказилади:

١ – Фоъил феълнинг сифатига киришлигини ифодалашлиги учун, мисол: إحْمَرَّ الطَّمَاطِمُ, маъноси -памидор қизарди.

٢ – Муболаға маъносини ифодалашлиги учун, мисол: إسْوَدَّ الَّيْلُ, маъноси -кечаси қаттиқ қаронғу бўлди. (إفْعَلَّ) вазнидаги феъллар кўпинча ранглар ёки айблар маъносида келади.

إِسْتَفْعَلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маъноларни ифодалашлик учун ўтказилади:

١ – Талаб қилув маъносини ифодалашлик учун, мисол: إِسْتَغْفَرَ, маъноси мағфиратни талаб қилди.

٢ – Мафъулнинг феълини сифатига биноан мавжуд бўлишлигини ифодалаш учун, мисол: - إِسْتَعْظَمَ الأمْرَ وَ إِسْتَحْسَنَه أي وَجَدَهُ عَظِيمًا وَ حسَنًا, маъноси ишни улуғ ва гузал топди.

٣ – Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланишликни ифодалаш учун, мисол: إِسْتَحْجَرَ الطِّين, маъноси -лой тошга айланди.

٤ – Мутоваъа маъносини ифодалаш учун, мисол: أَرَاحَهُ فَاسْتَرَاحَ, маъноси уни роҳатлантирди натижада у роҳатланди.

٥ – Такаллуф маъносини ифодалшлик учун, мисол: إِسْتَجْرَأَ, маъноси журъатни курсатишга уринди.

٦ – Гоҳида (إِسْتَفْعَلَ) вазнидаги феъл сулосий мужаррад бобидаги феълининг маъносини ифодалайди, мисол: إِسْتَقَرَّ أي قَرَّ, маъноси -қарор топди.

إِفْعَوْعَلَ – Бу бобнинг вазнига қуйидаги маъноларни ифодалашлик учун ўтказилади:

١ – Муболаға маъносини ифодалашлиги учун, мисол: إحْقَوقَف, маъноси узундан узун қийшайди.

٢ – Сулосий мужаррад бобидаги феълининг маъносида бўлади, мисол:

أحْلَى التَّمْرُ أي حَلاَ

маъноси -хурма ширин бўлди.

إفْعَوَّلَ و إفْعَالَّ – Бу бобларда келган феъллар муболаға маъносини ифодалаш учун бу бобга кучирилади:

إحْمَارَّ, маъноси - секин-секин қаттиқ қизарди. إجْلَوَّذَ, маъноси - қаттиқ шошилиб юрди.

## Рубоъий мазид боблари

تَفَعَّلَ - Рубоъий мужарраддаги феълининг мутоваъаси учун бу бобга кучирилади. мисол: زَعْزَعْتُ فَتَزَعْزَعَ, маъноси - титратдим натижада титради.

إِفْعَلَلَّ و إِفْعَنْلَلَ – Рубоъий мужаррад бобидан бу икки бобга муболаға маъносини ифодалаш учун кучирилади, мисол: بِلُ إِحْرَنْجَمَتِ الْا, маъноси -туялар жамъланиб, уюм бўлиб кетди. إِقْشَعَرَّ جِلْدُهُ, маъноси - териси қаттиқ титради.

Илмус-сарф олимлари мужаррад бобларидан мазийд бобларга кўчиришликдан бўлган мақсадларни илмус–сарф тўғрисида ёзган катта китобларда батафсил баён қилиб ўтишганлар, батафсил билишни қасд

қилган киши уларга мурожаъят қилсин!

Мазкур мазийд феълларнинг биноси қиёсий эмас, балки самоъий бўлиб, ҳар бир мужаррад феълидан мазийд феъли ясалиши лозим бўлмайди. Айрим мазийд бобларида келган феъл бошқа мазийд бобларида ҳам келишлиги лозим эмас. Буни билиб аниқлаш учун луғат китобларига мурожаъат қилинади.

## الْمُشْتَقَّاتُ – Муштоқ исмлар

Феълнинг лафзидан иштиқоқ қилиб олинган яъни чиқариб олинган исмлар:

١- أَلْمَصْدَرُ، ٢- إ سْمُ النَّوْعِ، ٣- إسْمُ الْمَرَّ ةِ، ٤- إ سْمُ الْمَكَانِ ٥- إ سْمُ الزَّمَانِ، ٦- إ سْمُ الآ لَةِ، ٦- إ سْمُ الآ لَة، ٧- إ سْمُ الْفَاَعِل، ٨- إ سْمُ الْمَفْعُولِ ٩- الصِّفَةُ الْمُشَبَّهةُ، ١٠- أَفْعَلُ التَّفْضِيلِ، ١١- أمْثِلَةُ الْمُبَالَغَةِ.

أَلْمَصْدَرُ

Сулосий мужаррад феълларининг масдарлари қиёс қилиб олинмайди, уларнинг кўп вазнлари бор улар самоъий бўлганлиги сабабли уларни билиш учун луғат китобларига мурожаъат қилинади, лекин кўпинча айрим маъноларни ифода этишлиги сабабли қуйидаги вазнларда келади:

١ – Касб ва ҳунар маъносини ўз ичига олса масдар кўпинча (فِعَالَةٌ) вазнида келади, мисол: زِرَاعَةٌ و تِجَارَةٌ, маъноси -зироъат қилмоқ ва тижорат қилмоқ.

٢ – Бош тортиш маъносини ўз ичига олса кўпинча масдар (فِعَالٌ) вазнида келади, мисол: إِبَاءٌ و شِرَادٌ وجِمَاحٌ, маъноси - рози бўлмай ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ, ўгрилмай олиб қочиб кетмоқ.

٣ – Қалқиш, безовта бўлиш, тебраниб ҳилпраш маъноларини ўз ичига олса масдар кўпинча (فَعَلاَنٌ) вазнида келади, мисол: غَلَيَانٌ و جَوَالاَنٌ و خَفَقَانٌ, маъноси -қаттиқ қайнамоқ, айланмоқ, тебранмоқ.

٤ – Касал бўлмоқ маъносини ўз ичига олса масдар кўпинча (فُعَالٌ) вазнида келади, мисол: صُدَاعٌ و زُكَامٌ و سُعَالٌ,

маъноси -бош оғримоқ, тумов бўлмоқ, йутал бўлмоқ.

٥ – Юриш маъносини ўз ичига олса масдар кўпинча

(فَعِيلٌ) вазнида келади, мисол: رَحِيلٌ و زَمِيلٌ, маъноси -кучмоқ, туянинг секин юрмоқлиги.

٦ – Овоз бериш маъносини ўз ичига олса масдар кўпинча (فُعَالٌ و فَعِيلٌ،) вазнида келади, мисол: صُرَاخٌ و زَئِيرٌ, маъноси -қичқирмоқ ва шернинг ўкиришилиги.

٧ – Рангланув маъносини ўз ичига олса масдар кўпинча (فُعْلَةٌ) вазнида

келади, мисол: حُمْرَةٌ و خُضْرَةٌ, маъноси - қизил бўлди ва яшил бўлди.

Мазкур маънолардан биронтасини ўз ичига олмаса, кўпинча қуйидаги маъноларга далолат қилади:

١ – فَعُلَ, вазнида келган феълларнинг масдарлари кўпинча (فُعُولَةٌ) ёки (فَعَالَةٌ) вазнида келади, мисол: سُهُولَةٌ و نَبَاهَةٌ و فَصَاحَةٌ, маноси енгил бўлмоқ ва огоҳ бўлмоқ ва чиройли сўзламоқ.

٢ – فَعِلَ бобидаги лозим феълларнинг масдари кўпинча (فَعَلٌ) вазнида келади, мисол: فَرَحٌ و عَطَشٌ, маъноси -хурсанд бўлмоқ ва чанқамоқ.

٣ –فَعَلَ бобидаги лозим феълланинг масдари кўпинча فُعُولٌ, вазнида келади, мисол: خُرُوجٌ و فُعُودٌ، маъноси -ўтирмоқ ва чиқмоқ.

٤ – فَعِلَ و فَعَلَ бобида келган феъли мутаъаддийларнинг масдарлари кўпинча (فَعْلٌ) вазнида келади, мисол: فَهْمٌ و نَصْرٌ, маъноси -тушунмоқ ва ёрдам бермоқ.

Сулосий мужарраддан бошқа бобларнинг масдарлари қиёсий бўлиб қуйидаги вазнларда келади.

١ – أَفْعَلَ бобининг масдари (إِفْعَالٌ) вазнида келади, мисол: أَكْرَمَ إكرَامًا. Агар бобнинг айн ҳарфини тенглигида иллатли ҳарф келса феълнинг “айн” тенглигидаги ҳаракат феълнинг “фо”

тенглигидаги ҳарфга кўчирилади ва “айн” ҳарфи тенглигида келган иллатли ҳарф “алиф”га қалб қилинади,натижада икки “алиф” жамъланади ва иккаласидан бири ҳазф қилиниб ундан то эваз қилинади, мисол: أمَات إمَاتَةً و أغَاثَ إغَاثَةً و أشَارَ إشَا رَةً, маъноси ўлдиришда ўлдирди ва ёрдам беришда ёрдам берди ва ишора қилишда ишора қилди.

٢ – فَعَّلَ бобининг масдари (تَفْعِيلٌ) вазнида келади, мисол: فَرَّحَ تَفْرِيحًا, маъноси - хурсанд қилишда хурсанд қилди. Лекин (تَفْعِلَةٌ) кам келади, мисол: وَسَّعَ تَوْسِعَةً و قَدَّمَ تَقْدِمَةً, маъноси -кенг қилишда кенг қилди ва муқаддам қилишда муқаддам қилди.

Агар бу бобнинг ломи тенглигида ҳамза билан келган феъл бўлса унда унинг масдари кўпинча (تَفْعِلَةٌ) вазнида келиб, оз вақтларда (تَفْعِيلٌ) вазнида келади, мисол:

تَنْبِيئَةً و تَنْبِيئاً و وَطَّاَ تَوْطِئَةً و هَنَّأَ تَهْنِئَةً و تَهْنِيئاً نَبَّأَ

маъноси -хабар берди ва тайёрлади ва табриклади.

Агар бу бобнинг ломи тенглигидаги ҳарфи иллатли бўлган феъл бўлса унда фақат (تَفْعِلَةٌ) вазнида келади, мисол:

حَلَّى تَحْلِيَةً و زَكَّى تَزْكِيَةً

маъноси - зийнатлантиришда зийнатлантирди ва поклашликда поклади.

Агар бу бобда келган феъл ажваф қисмдан бўлган феъл бўлса унда масдари фақат (تَفْعِيلٌ) вазнида келади, мисол:

جَوَّفَ تَجْوِيفًا و قَوَّمَ تَقْوِيمًا

маъноси -ичини кавлашликда кавлади ва тўғрилашликда тўғрилади.

٣ – فَاعَلَ бу бобнинг масдари (مُفَاعَلَةٌ و فِعَالٌ) взнида келади, мисол:

قَاتَلَ مُقَاتَلَةً و قِتَالاً

маъноси -жанг қилишда жанг қилди.

Агар бу бобнинг «фо»си тенглигида «ё» ҳарфи билан келган феъл бўлса унда масдари (فِعَالٌ) вазнида келишлиги таҳқиқланиб балки фақат (مُفَاعَلَةٌ) вазнида келади, мисол:

يَامَنَ مُيَامَنَةً يَاسَرَ مُيَاسَرَةً

маъноси -чап тарафга кетишликда чап тарафга кетди ва ўнг тарафга кетишликда ўнг тарафга кетди.

Лекин (و يِوَامًا يَاوَمَ مُيَاوَمَةً) деб бу мисолни келиши умумий қоидага зид бўлиб, шоздир.

٤ – تَفَعَّلَ бу бобнинг масдари (تَفَعُّلٌ) вазнида келади, мисол:

تَقَدَّمَ تَقَدُّمًا

маъноси -муқаддам келишликда муқаддам келди.

Агар бу бобнинг лом тенглигидаги ҳарфи иллатли-ҳарф бўлиб “алиф”га қалб қилинган бўлса унинг “алиф”и ё-га қалб қилинади ва ундан олдинги ҳарфга касра берилади, мисол:

تَأَنَّى تَأَنِيًا

маъноси -сабирли ва матонатли бўлишликда сабирли бўлди.

٥ – تَفَاعَلَ бу бобнинг масдари (تَفَاعُلٌ) вазнида келади, мисол:

تَقَادَمَ تَقَادُمٌ

маъноси -эски бўлишликда эски бўлди.

Агар бу бобнинг “лом” тенглигидаги ҳарфи иллатли ҳарф бўлган феъл бўлиб “алиф”га қалб қилинган бўлса унинг “алифи” “ё”-га қалб қилинади ва ундан олдинги ҳарфга касра берилади, мисол: تَغَاضَى تَغَاضِيًا, маъноси - ўзини ғофилликга олишликда ғофилликга олди.

٦ – إِفْتَعَلَ бу бобнинг масдари (إِفْتِعَالُ) вазнида келади, мисол:

إِشْتَرَكَ إِشْتِرَاكًا

маъноси -ўзоро шерик бўлишликда шерик бўлди.

٧ – إِفْعَلَّ бў бобнинг масдари (إِفْعِلَالٌ) бўлади, мисол:

إِحْمَرَّ إِحْمِرَارً

маъноси -қизил бўлишликда қизил бўлди.

٨ – إِنْفَعَلَ бу бобнинг масдари (إِنْفِعَالٌ) вазнида келади мисол:

إِنْطَلَقَ إِنْطِلاَقًا

маъноси -кетишликда кетди.

٩ – إِسْتَفْعَلَ бу бобнинг масдари (إِسْتِفْعَالٌ) вазнида келади, мисол:

إِسْتَخْرَجَ إِسْتِخْرَاجًا

маъноси -чиқариб олишликда чиқариб олди.

Агар бу бобнинг “айин” тенглигидаги ҳарфи иллатли бўлган

феъл бўлса, “алиф”га қалб қилинган “айин” тенглигидаги ҳарф ёки “алиф” зоида ҳазф қилинади ва ундан “тоу”-марбута охирида эваз қилиб келтирилади, мисол:

إسْتِقَامَةً إسْتَقَام

маъноси -тўғри туришликда тўғри турди.

١٠ – إفْعَوْعَل бу бобнинг масдари (إفْعِيعَالٌ) вазнида бўлади, мисол:

إحْدَوْدَبَ إحْدِيدَابًا

маъноси -букри бўлишликда букри бўлди.

١١ – فَعْلَل бу бобнинг масдари (ً فَعْلَلَةٌ و فِعْلاَلٌ) вазнида келади, мисол:

دَحْرَجَ دَحْرَجَةً و دِحْرَاجًا

маъноси -юмолатишликда юмолатди.

Агар бу бобнинг музоъаф қисмидан бўлган феъл бўлса масдарининг иккинчи вазни бўлган (فِعْلاَلٌ) вазнида қиёсий бўлади, мисол:

وِسْوَاسًا وَسْوَسَ وَسْوَسَةٌ

маъноси -васваса қилишликда васваса қилди.

Агар музоъаф қисмидан бошқа қисмдан бўлса унда самоъий бўлади.

١٢ – تَفَعْلَلَ бу бобнинг масдари (تَفَعْلُلٌ) вазнида келади, мисол:

تَدَحْرُجًا تَدَحْرَجَ

маъноси -юмалатишликда юмалатди.

١٣ – إِفْعَنْلَلَ бу бобнинг масдари (إِفْعِنْلَالٌ) вазнида келади, мисол:

إِحْرَنْجَمَ إِحْرِنْجَامًا

маъноси -уюм бўлишликда уюм бўлди.

١٤ – إِفْعَلَلَّ бу бобнинг масдари (إِفْعِلَّالٌ) вазнида бўлади, мисол:

إِقْشَعَرَّ إِقْشِعْرَارًا

маъноси -қаттиқ титради.

Мажҳул феълнинг масдари йўқ лекин маълум феълнинг масдари унга ишлатилади,мисол:

ضُرِبَ ضَرْبًا .

الْمَصْدَ رُ الْمِيمِيُّ

الْمَصْدَرُ الْمِيمِيُ – Сулосий мужаррад бобларида (مَفْعَلٌ) вазнида келади,

мисол:

مَنْظَرٌ و مَضْرَبٌ و مَرْمًى

маъноси -қараш уруш, комон отиш.

Мазкур қоидадан еттита масдари-мимий мухолиф бўлиб чиқади яъни шозз бўлади, мисол:

الْمَجِئ و الْمَرْجِعُ و الْمَسِيرُ و الْمَصِيرُ و الْمَشِيبُ و الْمَرْفِقُ و الْمَقِيل

маънолари, келмоқ, қайтмоқ, юрмоқ, қайтмоқ, сочнинг оқ бўлмоғи, юмшоқ муомила қилмоқ, чошгоҳда ухламоқ.

Аммо сулосий мужаррад бобларидан бўлган бобнинг “лом” муқобилидаги ҳарфи саҳиҳ ҳарф бўлиб “вов”лик мисол қисмидан бўлса сулосий мужарраднинг қайси бобидан бўлсаҳам мутлақо (مَفْعِلٌ) “айн” боби касралик бўлиб келади, мисол:

مَوْرِدٌ و مَوْعِدٌ و مَوْجِلٌ

маъноси - сувга келиш, ваъдалашиш, қаттиқ қўрқмоқ.

Аммо сулосий мужарраддан бошқа бобларда масдари мимий исмул-мафъулларига муштарак бўлиб келади, мисол:

مُنْحَدَرٌ و مُصْطَبَرٌ و مُزْدَحَمٌ

маъноси - тушиш, сабр қилиш, тиғислашиш.

الْمَرَّةُ و النَّوعُ

إسْمُ الْمَرَّةِ – Исмул-марра, феълнинг бир марта воқеъ бўлишлигига далолат қиладиган масдардир.

إسْمُ النَّوْعِ – Исмун – навъ, эса феълнинг сурати ва кўринишига далолат қиладиган масдардир.

Исмул – марра сулосий мужаррадда (فَعْلَةٌ) вазнига келади, мисол: ضَرَبْتُ ضَرْبَةً وَأخَذْتُ أخْذَةً, маъноси - бир уришликда урдим ва бир олишликда олдим.

Сулосий мужарраддан бошқа бобларда эса исмул-марра масдарини

охирида “то”у-марбутани зёда қилишлиги билан ҳосил бўлади, мисол: إلْتَفَتُّ إلْتِفَاتَةً و إنْطَلَقْتُ إنْطِلاقَةً, маъноси - бир бурилишда бурилдим, бир кетишликда кетдим.

Агар сулосий мужаррад ва улардан бошқа бобларнинг масдарлари “то”у-марбута билан тугаган бўлса унда уларнинг исмул-марралари (وَاحِدَةً) билан ёки ваҳдат маъносини ифода этадиган лавзлар билан сифатланади, мисол:

ضَرَبْتُهُ ضَرْبَة واحِدَةً وَقَاتَلْتُهُ مُقَاتَلَةً لا غَيْرُ وَ مَا إلْتَفَتُّ إلَيْهِ إلاَّ إلْتِفَاتَةً وَ أجَبْتُهُ إجَابَةً فَقَطْ

маъноси - бир уришликда урдим, у билан бир жанг қилишликда жанг

қилдим ва фақат унга бир қарадим, унга фақат бир жавоб бердим.

Сулосий мужаррадда исмун-навънинг вазни (فِعْلَةٌ) вазнида бўлади, мисол:

وَقِفَ وِقْفَةَ الأسَدِ و مَشَى مِشْيَةَ الْمُخْتَالِ

маъноси - шернинг тухташидек тухтади, керилувчининг юришидек юрди.

Сулосий мужаррадлардан бошқа бобларда исмун – навъ-нинг вазни исмул –марранинг вазнидек бўлади, мисол:

و قَبِيحُ الْمُعَاشَرَةِ حَسَنُ الإ نْطِلاَقِ ة

яъни кетиши яхши ва бирга яшашлик хунук дейилади.

أسْمُ الْمَكَانِ وَ إسْمُ الزَّمَانِ

إ سْمُ الْمَكَانِ – Феълнинг воқеъ бўлиш ўрнига далолат қилган исмдир.

إسْمُ الْزَّمَانِ – Феълнинг воқеъ бўлиш замонига далолат қилган исмдир.

إسْمُ الْمَكَانِ وَ إسْمُ الزمان Агар сулосий- мужаррад бобидан бўлиб, музориъсининг “айн”и зам ёки фатҳ бўлса (مَفْعَلٌ) вазнида келади, мисол:

مَطْبَجٌ وَ مَذْبَحٌ.

Агар бобнинг музориъсининг “айн”и касрали бўлса (مَفْعِلٌ) вазнида бўлади, мисол:

مَجْلِسٌ وَ مَنْزِلٌ.

Бобнинг музориъсининг “айн”и замма бўлиш билан бир-галикда исмуз-замон ва исмул-макон вазнининг “айн” муқобилидаги ҳарфи касра бўлиб келган ўн битта исм мазкур қоидага мухолиф бўлиб келади яъни шоздир, мисол:

١ـ الْمَسْجِدُ ٤ ـ الْمَطْلِعُ ٧ ـ الْمَفْرِقُ ١٠ ـ الْمَنْبِتُ

٢ ـ الْمَشْرِقُ ٥ ـ الْمَجْزِرُ ٨ ـ الْمسْكِنُ ١١ ـ الْمَسْقِطُ .

٣ ـ الْمَغْرِبُ ٦ ـ الْمَرْفِقُ ٩ ـ الْمَنْسِكُ

Аммо мисол қисмдан бўлса сулосий мужаррад бобининг қайси бобидан бўлсаҳам исмуз-замон ва исмул-макон (مَفْعِلٌ)

вазнига келади, мисол:

مَوْعِدٌ وَ مَوْجِلٌ.

Амма агар ноқис қисмдан бўлса (مَفْعَلٌ) вазнига келади, мисол:

مَطْوًى وَ مَرْمًى.

Сулосий мужарраддан бошқа бобларда исмул-мафъулга муштарак бўлиб келади, мисол:

مُخْدَعٌ وَ مُدْخَلٌ.

مَفْعَلَةٌ – Вазни, бир нарсани бир маконда вужудини кўплигига далолат қилиш учун қурулган сийғадир. Бу, сулосий мужаррад ва мазийд исмдан қиёсий бўлиб келади, мисол:

مَأبَلَةٌ وَ مَفْعَاةٌ وَ مَسْبَعَةٌ

маъноси - туйялар кўп бўлган ўрин ва илонлар кўп бўлган ўрин ва дарранда ҳайвонлар кўп бўлган ўринлар учун айтиладиган исмлардир. Агар исм, мазийд бобидан бўлса зёда ҳарфлари ҳазф қилиниб шу вазнга кўчирилади.

إسْمُ الآلَةِ

إ سم الآلة – Иш асбобларига далолат қиладиган муштақк исмдир. Исмул

олат сулосий-мужаррад бобининг мутаъаддий бўлган феълнинг масдаридан иштиқоқ қилиб олинади. Мазкур қоидага (مِصْفَاةٌ وَ مِرْقَاةٌوَ مِزْمَارٌ) мухолифдир, маъноси - сизгич, нарвон, куй асбоби. Зеро (صَفَا وَ رَقِيَ وَ زَمَرَ -) лозим феълларидан олинган.

Исмул- олат учун учта вазн бор:

١ ـ مِفْعَلٌ = مِبْرَدٌ

٢ ـ مفْعَالٌ = مِفْتَاحٌ

٣ ـ مِفْعَلَةٌ = مِكْنَسَةٌ

Мазкур вазнларнинг ҳаммасига ҳам қиёс қилинавермайди. Лекин бобнинг “лом” муқобилидаги ҳарф иллатли бўлса кўпинча (مِفْعَلَةٌ) вазнига келади, мисол:.مِطْوَاةٌ و مِشْوَاةٌ و مِصْفَاةٌ Бу

вазндан бошқа ҳолатларда исмул-олат кам келади, мисол: مِقْلًى.

Қуйидаги:

(مُنْخُلَةٌ و مُدْهُنَةٌ و مُكْحُلَةٌ و مُدُقٌّ و مُسْعُطٌ و مَنَارَةٌ و مُشْطٌ)

исмлар, шоз исмлар бўлиб, мана шу мусаммаётлар учун қурилган исмлардир. Гуё булар жомид исмлар бўлиб, феълдан иштиқоқ қилиб олиниши эътиборга олинмаган.

Лекин айримлар айтишган замонавий исмул-олатлар (فَعّالَةٌ) вазнида келади, мисол:

جَرَّارَةٌ و سَيَّارَةٌ

маъноси - трактор, машина.

Аммо исмул-олат иштиқоқ қилиб олинган исм бўлмаса унда у учун маълум вазнга олиш учун қоида йуқ,ҳархил вазнга келиши мумкин, мисол:

قَدُومٌ و سِكِّينٌ و فَأْسٌ.

إِسْمُ الْفَاعِلِ و إِسْمُ الْمَفْعُولِ

إِسْم الفَاعِلِ – Феъл у тарафдан воқеъ бўлган исмга далолат қилган исм бўлиб, сулосий – мужаррад бобларида (فَاعِلٌ) вазнига бино қилинади, мисол:

نَاصِرٌ و ظَالِمٌ و قَائِمٌ.

Сулосий – мужарраддан бошқа бобларда маълум феъли музориъсининг музораъат ҳарфини

ўрнига “мим”у-мазмума келтирилиб ва охиргидан олдинги ҳарфга каср берилади, мисол:

مُكْرِمٌ و مُتَقَدِّمٌ و مُدَحْرِجٌ.

إِسْمُ الْمَفْعُولِ – Феъл унинг устига воқеъ бўлган исмга далолат қилган исм бўлиб, сулосий – мужаррад бобларида (مَفْعُولٌ) вазнига бино қилинади, мисол:

مَضْرُوبٌ و مّأْخُوذٌ.

Сулосий – мужаррад бобларидан бошқа бобларда музориъсининг музораъат ҳарфини ўрнига “мим”у-мазмума келтирилиб ва охиригидан олдинги ҳарфга фатҳ берилади,

мисол:

مُجَرَّدٌ و مُسْتَخْرَجٌ.

Танбеҳ: Қиёс: Исмул-фоъил ва исмул-мафъул сулосий мужаррад бобидан бўлсин ёки мазийд бобларидан бўлсин фақат ўзининг феълидан бино қилинади, лекин бу қоъидага бир неча исмлар мухолиф бўлади яъни шоздир.

Бу исмлар қуйидагилар бўлиб, феъллари (أ فْعَلَ) вазнида бўлиб,лекин исмул-фоъили ёки исмул-мафъули (ـ فَاعِلٌ و مَفْعُولٌ) вазнида бино қилинган, мисол:

فِعل إ سم المفعول . إ سْمُ الْفَاعِلِ فَعْل

١ ـ أ مْحَلَ مَاحِلٌ. ١ ـ أحَبَّ مَحْبوبٌ .

٢ ـ أمْلَحَ مَالِحٌ. ٢ ـ أ جَنَّ مَجْنُونٌ .

٣ ـ أ يْفَعَ يَا فِع. ٣ ـ أحَمَّ مَحْمُومٌ .

٤ ـ أ عْشَبَ عَاشِبٌ. ٤ ـ أ زْكَمَ مَزْكُومٌ .

٥ ـ أ سَلَّ مَسْلُولٌ .

Аслида булар (مُمْحِلٌ و مُسَلٌّ) ва ҳокозо дейилиши керак эди.

Исмул-мафъул ва масдари-мимий ва ва исмуз-замон ва исмул-макон сулосий мужаррадлардан бошқа бобларда муштарак бўлиб келади ва уларнинг маъноси -маънавий қарийналар воситаси билан ажратиб олинади.

الصِّفَةُ الْمُشَبَّهَةُ

الصفة المشبهة - Мутлақо бир зотга боғлиқ бўлган ҳолатга далолат қилган сифат исмдир. Бу ўринда “ Мутлақо “ дейишликдан мақсад, ҳолатни мавсуфга бўлган муносабатида замон эътиборга олинмайди. Унинг хилофида исмул-фоъил (زَيْدٌ ضَارِبٌ) дейилса зарбнинг маълум муддатда бўлганлигини ифодалайди.

Аммо (زَيْدٌ حَسَنٌ) дейилса (حَسَنٌ)да маълум замон эътиборга олинмайди.

Сифати-мушаббаҳа сулосий – мужаррад бобларида самоъан бино қилинади, мисол:

حَسَنٌ و كَرِيمٌ و لَيِّنٌ و سَهْلٌ —و صَعْبٌ.

Лекин феъл ранг ёки айб ёки зийнатга далолат қилса булардан сифат-мушаббаҳ (أ فْعَلُ) вазнига қиёсан бино қилинади, мисол:

أ سْوَدُ و أ عْرَجُ و أ بْلَجُ.

Сулосий-мужарраддан бошқа бобларда исмул-фоъил вазнига бино қилиниб, лекин фақат лозим феълидан бино қилинади, мисол:

مُطْمَئِنٌّ و مُسْتَقِيمٌ.

أفْعَلُ التَّفْضِيلِ

أفْعَلُ التَّفضِيلِ – Ёки “ Исмут–тафзийл “ мавсуф ўзидан бошқадан кўра сифатда ортиқроқ эканлигига далолат қиладиган сифат исм бўлиб

(أ فْعَلُ) вазнида келади. (أ فْعَلُ) вазнида келган сифати-мушаббаҳа билан исмут-тафзийлни атамаси фарқли бўлишлиги учун (أ فعل التفضيل) ҳам дейилади. Афъалут – тафзийл бино қилинадиган феълда олтита шарт, мавжуд:

١ – Сулосий мужаррад бобидан бўлишлиги керак, бошқа боблардан бино қилинмайди.

٢ – Афъалут – тафзийл бино қилинган феълдан (أفْعَلُ) вазнига сифати – мушаббаҳа келмаган бўлишлиги керак, ва зикр қилинганидек афъалут-тафзийл лавн (ранг), айб, зийнатга далолат қилган

феъллардан бино қилинган бўлмаслиги керак.

Аммо агар сифатга далолат қилгувчи феълларнинг сифати-мушаббаҳаси (أفْعَلُ) вазнидан бошқа вазнларда келган бўлса, бундай пайтда исмут-тафзийлни (أفعل) вазнига келишлигидан радъ қиладиган нарса йўқ, мисол:

هَذَا أقْبَحُ مِنْ ذَاكَ

Чунки булардан ҳар иккаласининг сифати-мушаббаҳаси (قَبِيحٌ وَ شَنِيعٌ) бўлиб (فَعِيلٌ) вазнида келади.

٣ – Мутасарриф яъни сарфга солинувчи ва феъли-томм, яъни тўлиқ феъллардан афъалу-тафзийл

бу сийғада олинади, ((كَانَ феълига ухшаш ноқис-феълдан ва (بِئْسَ) феълига ухшаш ғойри-мутасарриф яъни турланмайдиган яъни музориъ ва бошқа феъл ва исмларга турланмайдиган феълдан афъалут–тафзийл бу сийғада олинмайди. Чунки (بِئْسَ) феълидан (أَبْئَسُ) ва (كَانَ) феълидан (أَكْوَنُ) вазинида афъалут-тафзийл бино қилинмайди.

٤ – Афъалут-тафзийл ундан бино қилинадиган феъл, нафи ҳарфи билан лозим-малзум бўлмаслиги керак, масалан:

( مَا عَاجَ بِالدَّاء)

мисолидагидек. Бу мисолда (مَا) нофия доим (عَاجَ) феъли билан лозим-малзум бўлиб келади яъни доимо бирга келиб, парво қилмади маъносини англатади.

Ёки (مَا عَلِمَ زَيْدٌ) мисолидагидек нафи ҳарфи оризий бўлиб келиб шу нафи маъноси -билан биргаликда афъалут-тафзийл бино қилинмайди.Бу мисолда нафини оризий дейишликдан мақсад, чунки (مَا) нофия бу феълда баъзан келиб баъзан келмайди.

٥ – Афъалут–тафзийл ундан бино қилинадиган феълнинг маъноси -ўз аро афзаллик маъносини

ифодалшлиги керак,шу боис (فَنِیَ و مَاتَ) феълларидан (أ فْنَى و أ مْوَتْ) деб афълут-тафзийл бино қилинмайди.

Афъалут-тафзийл учун айрим хилофул-қиёс ҳолатлар борки, улар ўзларининг мозий-мажҳул феълларидан олинган ёки бошқа бобларнинг мозий-мажҳул феълларидан олинган, мисол:

الْعوْدُ أحْمَدُ – мисолида (أحْمَدُ), (حُمِدَ) мажҳул феълидан олинган.

حَاتَمٌ أعْطَى مِنْ عَمْرٍوٍ – мисолида (أعْطَى), (أُعْطِيَ) мажҳул феълидан олинган.

هَذَا السِّفْرُ أخْصَرُ مِنْ ذَاكَ – мисолида (أخْصَرُ), (أُخْتُصِرَ) мажҳул феълидан олинган.

Айрим ҳолатларда афъалут-тафзийл феълдан бошқадан ҳосил бўлганлиги ҳам бор, мисол:

مَا بِالْبَادِيَةِ أنْوَأ ُ مِنْهُ أي أعْلَمُ بِالأ َنْوَاءِ

маъноси: Саҳрода ундан кура анвоъларни энг яхши билгувчи йўқ.

الأنْوَاءُ – Жоҳилйят арабларнинг ҳисоби буйича бир йилнинг давомида маълум вақтда чиқадиган юлдуз бор, улардан ҳар ўн уч кечада фажрни чиқиши билан мағриб тарафдан бир юлдуз ботиб шу соатда машриқ тарафдан унга муқобил бошқа юлдуз чиқади ва иккаласининг ҳам маълум оти бор. Уша ٢٨-та юлдузнинг тугаши мана шу йилнинг тугаши

билан туғри келади, яна биринчи юлдуз ўз ишини давом этдиради. Араблар жоҳилийятда, агар уша юлдузлардан биронтаси ботиб, бошқаси чиқса ана шу пайтда ёмғир ёки шамол бўлиши керак дейишади ва мана шу пайтда бўлган ҳар бир ёмғирни мана шу юлузга нсбат беришадилар.

Аммо (خَيْرٌ و شَرٌّ) буларнинг асллари ( أَخْيَرُ و أَشَرُّ) бўлиб,қиёсга хлофдир, ҳамзаси истеъмолини кўплиги жиҳатдан тушурилиб ташланган. Гоҳида аслига қайтарилиб (أَخْيَرُ و أَشَرُّ) ҳам деб айтилади.

Агар афъалут-тафзийл сийға қилиб олинмайдиган феълдан

тафзийлни ирода қилсангиз, афъалут-тафзийлни сийға қилиб олиш жоиз бўлган феълдан олиб, унинг изида афъалут-тафзийлни сийға қилиб олиш жоиз бўлмаган феълдан масдарини мансуб ҳолатда қўясиз, мансублиги эса тамйизлигига биноан бўлади, мисол:

عَبْدُكَ أسْوَدُ و عَبْدِي أشَدُّ سَوَادًا

маъноси: Қулунгиз корадир ва менинг қулим жудаҳам қора.

أ مْثِلَةُ الْمُبَالَغَةِ

Муболаға вазнлари, бу сийғаларда мавсуф, шу сифат билан жуда ҳам кўп машғул бўлиб шу сифатнинг олий мутахассиси бўлиб сифатланишга далолат қилишлиги мақсуд бўлган вазнлардир. Уларнинг вазнларинг энг машҳурлари ١٥-та бўлиб, қуйидаги вазнларда келади:

١- فَعّالٌ – عَلَّامٌ و نَصَّارٌ

Жуда олим, жуда ёрдамчи.

٢- فَعَّالَةٌ – علامة وفهامة

Жуда олим,жуда тушунувчи.

٣- مِفْعَالٌ- مِكْسَالٌ و مِقْدَامٌ

Жуда ёлқов, жуда журъатли.

٤- فِعِّيلٌ – سِكِّيرٌ و صِدِّيقٌ

Жуда кўп маст бўлгувчи, жуда содиқ.

٥- مِفْعِيلٌ — مِسْكِينٌ و مِعْطِيرٌ

Жуда бечора, ҳар доим жуда хушбуй юргувчи.

٦- فُعَلَةٌ – ضُحَكَةٌ و ضُجَعَةٌ

Жуда кўп кулгувчи, жуда кўп ётағон.

٧- فَعِلٌ – شَرِهٌ و حَذِرٌ

Жуда очкўз, жуда ҳазарли.

٨- فَعِيلٌ —رَحِيمٌ و عَظِيمٌ

Жуда раҳмли, жуда улуғ.

٩- فَعُولٌ – كَذُوبٌ و وَدُودٌ

Жуда ёлғончи, жуда дуст.

١٠- فَاعِلَةٌ —رَاوِيَة

Жуда кўп ривоят қилгувчи.

١١- فُعْلٌ —غُفْلٌ

Жуда ғофил.

١٢- فَعُولَةٌ —فَرُوقَةٌ

Жуда қўрқоқ.

١٣- مِفْعَلٌ —مِحْرَبٌ

Қаттиқ ҳарб қилгувчи.

١٤- فَاعُولٌ —فَارُوقٌ

Ҳақдан ноҳақни қаттиқ ажратгувчи.

١٥- فُعَّالٌ —كُبَّارٌ

Жуда буюк.

Муболаға вазнларининг ҳаммаси самоъий бўлиб фақат сулосий мужарраддан бино қилинади. Лекин қуйидаги мисоллар хилофи қиёс бўлиб келади, мисол:

دَرَّاكٌ، مِعْطَاءٌ، مِهْوَا نٌ، مِحْسَانٌ، مِتْلاَفٌ، مِمْلاَلٌ، مِخْلاَفٌ، و سَمِيعٌ، نَذِيرٌ،زَهُوقٌ

Булар ушбу феъллардан олинган.

أدْرَكَ، أعْطَى، أ هَانَ، أ حْسَنَ، أ تْلَفَ، أ مْلَقَ، أخْلَقَ، أ سْمَعَ، أنْذَ رَ، أ زْهَقَ.

Муболаға вазнларининг охирида қўшилган “то”и-марбуталарнинг ҳаммаси муаннас аломати бўлиб келеввермайди, балки (رَاوِيَةٌ) мисолидаги “то” муболағани ифодалайди, (عَلاّمَةٌ و فَهَّامَةٌ) мисолидаги

“то” муболағани таъкидлашни ифодалайди. Бу “ то “ тўғрисида яна тўхталиб ўтамиз.

Агар (فَعِيلٌ) вазнида келган муболаға исмул-фоъил маъносида келса, мавсуф аниқ келтирилганми ёки аниқ келтирилмаганми, ҳар қандай ҳолатда музаккар билан муаннаслиги фарқ қилинади, мисол:

رَجُلٌ نَصِيرٌ وامْرَأةٌ نَصِيرَةٌ و جَاءَ نَصِيرٌ ونَصِيرَة .

Агар (فَعِيلٌ) вазнида келган муболаға сийғаси исмул-мафъул маъносида келса,мавсуф аниқ келтирилса музаккар ва муаннасликда тенг бўлади,мисол:

زَيْدٌ قَتِيلٌ و أتَتِ الْمَرْأَةُ جَرِيحًا .

Мавсуфи аниқ келтирилмаса музаккар ва муаннаси фарқли бўлиб келади, мисол:

جَاءَ حَبِيبٌ وَحَبِيبَة .

Агар (فَعُولٌ) вазнида келган муболаға сийғаси исмул-фоил маъносида келиб, мавсуф алам исм бўлса музаккар муаннасликда тенг бўлади, мисол:

يَحْيَى البَتُولُ و مَرْيَمُ الْبَتُولُ .

Агар мавсуфи келтирилмаса музаккар ва муаннаси фарқ қилинади, мисол:

جَاءَ بَتُولٌ وَبَتُولَة .

Агар (فَعُولٌ) вазнида келган муболаға сийғаси исмул-мафъул маъносида келса мавсуфи маърифа бўлса ҳам бўлмаса ҳам музаккар муаннаслиги фарқ қилинади, мисол:

هَذَا رَسُولٌ و تِلْكَ رَسُولَة و جَاء رَسُولٌ و رَسُولَةٌ .

الْمَوْصُوفُ

Музаккар исм, ўзининг музаккарлигига далолат қиладиган аломатга муҳтож эмас. Лекин муаннас исмнинг муаннаслигига далолат қиладиган аломат учтадир:

١ –"То" марбута (ة) мисол: نِعْمَةٌ.

٢ – Алифи – мақсура: عُذْرَى و فُضْلَى.

٣ – Алиф – мамдуда: سَوْدَاءُ و بَيْدَاءُ.

Мазкур аломатлардан ҳар бири исмнинг охирида зёда бўлишлиги керак ва шу аломатлар билан тугаган ҳар бир исм муаннас исм дейилади.

Лекин музаккар исмлар музаккарлигича қолади гарчи таънис аломати билан тугаган бўлса ҳам, мисол:

نَخْلَة و أرْطَى و خَضْرَاءُ .

Муаннасул – лафзий: таънис аломати бўлган ҳар бир исмдир, мисоллари зикр қилинди.

Муаннасул – маънавий: муаннаслигига маънан далолат қилган, лекин таънис аломати бўлмаган исмлардир.

Таънисул – маънавий исмлар тўрт хилдир:

١ – Муаннас алам исмлар, мисол:

مَرْيَمُ و زَيْنَبُ.

٢ – Аёлларга хос бўлган исмлар, мисол:

أُ خْتٌ و أُمٌّ.

٣ – Шаҳарлар ва қабилаларнинг исмлари, мисол:

الشَّامُ و مِصْرُ و قُرَيْشٌ

٤ – Инсоннинг жуфт аъзоларининг исмлари, мисол:

عَيْنٌ و رِجْلٌ و أُذُنٌ .

Лекин бу зикр қилинган қоиданинг ҳукми ағлабий ҳукмдир яъни ғолиб иътибор билан бўлган ҳукмдир, зироки жуфт бўлган исмлардан музаккар бўлганлари ҳам бор, мисол:

صُدْغٌ و مِرْفَقٌ و حَاجِبٌ و خَدٌّ .

Луғатларда муаннас маънавий бўлган бир қанча исмлар борки баъзилари собиқ қоидалар остига кирмайди, қуйида уларнинг айримларини зикр қиламиз:

. Бармоқ – إِصْبَعٌ. Қуён - أَرْنَبٌ. Ер – أَرْضٌ

. Дузах – جَحِيمٌ. Қудуқ – بِئْرٌ. Илон – أ فْعَى

. Ҳавли – دَا رٌ. Уруш– حَرْبٌ. Дузах– جَهَنَّم

Тегирмон тоши –رَحًى. Баччадон – رَحِمٌ. Билак– ذِرَاعٌ

Тиш سِنٌّ–. Дузах – سَقَرُ. Шамол – رِيحٌ

Ўнг شِمَالٌ–. Қуёш شَمْسٌ–. Пойча – سَاقٌ

. Ҳасса عَصًا–. Шеър عَرُوضٌ–.Сиртлон ضَبُعٌ–

. Сон فَخِذٌ–. Болта فَأْسٌ–.Тавон عَقِبٌ –

. Камон قَوْسٌ–. Қадам قَدَ مٌ–. Кема فُلْكٌ–

. Ичак – كَرِشٌ. Елка كَتِفٌ–. Коса كَأْ سٌ–

Калишга ўхшаган аёқ кийим - نَعْلٌ. Олов نَا رٌ–. Каф – كَفٌّ

. Сон - وَرِكٌ. Ҳайвонларнинг йирткич икки тиши – نَابٌ

. Ўнг – يَمِينٌ. Қўл – يَدٌ

Муаннасликда ҳам ва музаккарликда ҳам зикр қилинишлиги жоиз бўлган исмларнинг машҳурлари:

. Ҳолат – حَالَةٌ. Иштан –إِزَارٌ. Қўлтиқ – إِبْطٌ

. Совут – دِرْعٌ. Арок – خَمْرٌ. Арок дукони — حَانُوت

.Тор кўча – زُقَاقٌ. Руҳ – رُوحٌ. Қудуқ челаги – دَلْوٌ

. Иштон – سَرَوِيلُ. Кечдаги йўоловчи – سُرًى. Йўл – سَبِيلٌ

. Тинчлик – سِلْمٌ. Пичоқ - سِكِّينٌ. Қурол – سِلاحٌ

. Бозор – سُوقٌ. Осмон – سَمَاءٌ. Нарвон – سُلَّمٌ

. Саҳифа –طِرْسٌ . Чошка – ضُحًى. Идиш ўлчави – صَاعٌ

. Қўл мускули - عَضُدٌ. Ожиз -عَجُزٌ. Йўл – طَرِيقٌ

. Буйин – عُنُقٌ. Чаён – عَقْرَبٌ. Бургут – عُقَابٌ

. От –فَرَسٌ. Ўргамчик – عَنْكَبُوتٌ

. Қозон – قِدْرٌ. Дори эзадиган киччик тош – فِهْرٌ

. Жигар – كَبِدٌ. Куйлак – قَمِيصٌ. Орқа мийя – قَفًا

. Туз –مِلْحٌ. Миск –مِسْكٌ.Тил – لِسَانٌ

. Поки –مُوسًى . Қадимги тош отув уруш қуроли – مَنْجَنِيقٌ

. Орқа – وَرَاءٌ. Нафс – نَفْسٌ

Иккинчи қисм исмларига ҳижоий ҳарфлари ҳам киради.

(ة) – Биз зикр қилиб ўтганимиздек бу “то” таънис аломати бўлиб, бундан бошқа маъноларга ҳам далолат қилади.

١ – Исмнинг жинс маъносидан биттаси эканлигига далолат қилади, яъни шу жинсдан бир донаси деган маънони ифода этади, мисол:

تَمْرَةٌ، لَبِنٌ - لَبِنَةٌ، نَمْلٌ - نَمْلَةٌ تَمْرٌ –.

٢ – Ёки биринчининг аксида жинсга далолат қилган исм шу

“то”у марбута билан келиб, бу “то” ундан олиб ташланишлиги билан у жинснинг бир донасига далолат қилади, мисол:

جَبْأَةٌ(جنس) – جَبْأٌ، كَمْأَةٌ (جنس) – كَمْءٌ .

٣ –“Фо” тенглигида иллатли ҳарф бўлган фелнинг масдарида иллатли ҳарфдан эваз бўлиб масдарнинг охирида қўшилган эваз “то”сидир, мисол:

وَعَدَ – عِدَةٌ، وَثَبَ – ثِبَةٌ.

٤ – Айрим исмларнинг “лом” тенглигида ҳарфи иллатли ҳарф

бўлиб, “то”у марбута ундан эваз бўлади, мисол:

سَنَةٌ – سَنَوٌ.

٥ – “Ё”у-нисбат билан келган исмларнинг жамъида “ё”у – нисбатдан эваз бўлган “то”у-марбутадир, мисол:

أشْعَثِيٌّ ج أشَاعِثَةٌ، أزْرَقِيٌّ ج أزَارِقَةٌ، مُهَلّ◌◌َبِيٌّ ج مَهَالِبَةٌ .

٦ – Тўрт ҳарфли бўлган сифатларда зёда қилинган “ё”дан эваз бўлган “то”у марбута, мисол:

ج تَلامِذَةٌ زِنْدِيقٌ ج زَنَادِقَة، تِلْمِيذٌ.

٧ – Айрим жамъ вазнларида зёда қилинадиган “то”у марбута, мисол:

مَلَكٌ ج مَلائِكَةٌ.

٨ – Тафъийл бобида келган ноқис қисмининг масдарини “ё”сидан эваз бўлган “то”у-марбута, мисол:

زَكَّى تَزْكِيَةً.

٩ – Таърибга далолат қиладиган “то”у марбута, яъни аслида ажамларнинг тилида ишлатилган исм бўлиб, кейин арабларга бу исм кириб келиб, бу исмни ўзлариниг тилида айрим ўзгартиришлик билан яъни “то”у-марбутани охирида қўшишлик билан истеъмол қилганлар ва бу “то”ни таърибга далолат қиладиган “то” дейишадилар, мисол:

كَيْلَجَةٌ ج كَيَالِجَةٌ. القِياس: كَيَالِجُ، مكيال .

١٠ – Муболаға учун келган “то”у-марбута, мисол:

رَاوِيَةٌ.

١١ – Муболағани таъкидлашлик учун келган “то”у-марбута, мисол: نَسَّابَةٌ: Насабни жуда кўп билгувчи.

١٢ – Ифъол бобида келган ажваф қисмининг масдарини иллатли ҳарфидан эваз бўлган “то”у-марбута, мисол:

، إرَابَةٌ، إقَالَةٌ. إقَامَةٌ

الْمُثَنَّى

الْمُثَنّٰى – Атиф ва маътуф бўлмасдан вазнда ва ҳарфларда тенг бўлган иккита исмга далолат қилган исмдир.

Агар бир исмни тасния қилмоқчи бўлсангиз охирида рафъ ҳолатида алифни зёда қилиб яъни қўшиб алифнинг олдини фатҳа ва алифдан кейин касралик нун берасиз, ва насб жар ҳолатида эса охирида ё-ни зёда қилиб ва ё-дан олдинги ҳарфга фатҳа берасиз ва ё-дан кейин касралик нун берасиз, мисол:

جَاءَ الرَّجُلاَنِ و رَأيْتُ الرَّجُلَيْنِ و مَرَرْتُ بِالرَّجُلَيْنِ

Агар изофий алам – атоқли исм, тасния қилинса кўп вақтларда

аввалги жузъи тасния қилинади, мисол:

عَبْدا الْمَلِكِ.

Агар мураккаби мазжий яъни бири-бирига мизожлашиб кетган алам исмлар ва иснодий мураккаб бўлган алам исмлар тасния қилинса ўз лафзларига қолиб у исмларга музаккар бўлса (ذَوا), агар муаннас бўлса (ذَوَاتَا) тасния исм музоф қилинади, мисол:

ذَ وَا مَعْدِ يكَرِبَ وَ ذَوَ تَا بَعْلَبَكَّ.

Тасния қилинмайдиган исмлар қуйидагилар:

بَعْضٌ و أجْمَعُ –

جَمْعَاءُ و كُلٌّ و أحَدٌ و عُرَيْبٌ و دَيَّارٌ ва асмоул-ададлар ва (مِنْ) билан истеъмол қилинган афъалут-тафзийллар ҳам, мисол:

الْيَدَا نِ أ فْضَلُ مِنَ الرَّجُلَيْنِ .

Манқус исмланинг таснияси.

الإسْمُ الْمَنْقُوس – "Ё", билан тугаб ва "ё"-синиинг олди касра бўлган муъраб исмдир, мисол: الْقَاضِي.

Агар "ё"-си маҳзуф бўлса тасния қилинган пайтда "ё" қайтариб олиб келинади, мисол: رَامٍ – رَمِيَانِ، دَاعٍ – دَاعِيَانِ.

Мақсур исмларнинг таснияси.

الإسْمُ الْمَقْسُورُ – "Алиф"у лозим билан тугаган ва у "алиф"дан кейин

“ҳамза” бўлмаган муъраб исмдир, мисол: رَجًى و فَتًّى.

Мазкур “алиф”, учунчи ёки тўртинчи ёки ундан кейинги уринларда бўлади. Қалб қилинган яъни ўзгартирилган ҳарф, учунчи ҳарф бўлса тасния қилинган пайтда қалб қилинган ҳарф асл ҳарфга қайтарилади, мисол:

رَجًى – رَجَيَانِ، فَتًّى – فَتَيَانِ.

Агар тўртинчи ёки ундан кейинги ўринларда бўлса “ё”-га қалб қилинади, мисол: ذِكْرَيَانِ.

قَهْقَرَا نِ و خَوْزَلانِ Бу икки мисол, қиёсга хлоф бўлиб, қиёс эса

(قهْقَرَيَانِ و خَوْزَلَيَا نِ) бўлишшлиги керак эди.

Мамдуд исмларнинг таснияси.

الإسْمُ الْمَمْدُ ودُ – “Ҳамза” билан тугаган ва ундан олдин “алиф”у-зоида бўлган муъраб исмдир, мисол: حَمْرَاءُ و خَضْرَاءُ.

Агар унинг “ҳамза”си таъниc учун бўлса “вов”га қалб қилинади, модомики “алиф”дан олдин (عَشْوَاءُ) мисолидагидек “вов” ўтмаган бўлса, мисол: خَضْرَوَا نِ.

Агар “вов” ўтган бўлса лафзнинг таҳсини учун “вов” исбот қилинишлиги вожиб бўлади, мисол: عَشْوَاءَا نِ.

Агар мамдуд исмнинг “ҳамза”си аслий бўлса уни келтириш вожиб бўлади, мисол: قُرَّاءُ – قُرَّاءَانِ، لألاءٌ – لألاءَانِ.

Агар мамдуд исмнинг “ҳамз”си аслий ҳарф бўлмаса таънис учун ҳам бўлмаса унда икки хил ўқишлик жоиз бўлади, мисол: سَمَاءٌ – سَمَاءَانِ، سَمَوَانِ.

Вазнида лом муқобилида бўлган ҳарфи ҳазф қилинган исмнинг тасния қилиш:

Агар мазкур исм тасния қилинса ва маҳзуфидан бирон нарса эваз бўлмаса ҳазф қилинган ҳарф қайтариб олиб келинади, мисол:

أبٌ، أخٌ، حَمٌ، غَدٌ – أبَوَانِ، أخَوَانِ، حَمَوَانِ، غَدَوَانِ.

فَمٌ و يَدٌ – Мазкур қоидадан мустаснодир. Бу икки исм аслида (فَمْوٌ و يَديٌ) бўлган, бу исмларнинг охирги ҳарфи гаплашганда кўп ишлатилганлиги сабабли ҳазф қилиниб, мустақилл исмдек ишлатилиб, охирги ҳарфлари маҳзуф бўлган суратида тасния қилинади, мисол:

يَدَا ن وَ فَمَا نِ

Агар исмда ҳазф қилинган ҳарфидан эваз бўлган ҳарф бўлса унда эваз бўлган сўратида тасния қилинади, мисол:

سَنَةٌ وَ إبْنٌ وَ إسْمٌ – سَنَتَا نِ و إبْنَا نِ و إسْمَا نِ .

Мазкур исмлар аслида (سَنَوٌ و بَنَوٌ وَ سَمَوٌ) бўлган. (سَنَوٌ) мисолида “вов”дан (ة), ( بَنَوٌ وَ

سَمَوٌ) мисолларида эса “вов”дан “ҳамза” эваз қилингандир.

## Жамъ исмлар

١- جَمْعُ الْمُذَكَّرِ السَّالِمُ - Бирлигини кўриниши ўзгармасдан жам қилинган исм бўлиб, рафъ ҳолатида охирига “вов” ва “нун” зёда қилиниб, “вов”дан олдин замма бўлиб, “вов”дан кейин фатҳалик “нун” зёда қилинади, мисол:

جَاءَ الْمُسْلِمُونَ.

Насб ва жар ҳолатида охирига “ё” зёда қилинади ва” ё”дан олдинги ҳарф касралик бўлади ва “ё”дан

кейин фатҳалик “нун” зёда қилинади, мисол: رَأيْتُ الْمُسْلِمِينَ و مَرَرْتُ بِالْمُسْلِمِينَ.

Мавсуф исмлардан бу жамъ билан фақат шахсий аламгина[١] жамъ қилинади, мисол:

الزَّيْدُونَ.

Шахсий алам, “то”таънисдан холий бўлишлиги керак, ва муфрад бўлиб, мураккаб бўлмаслиги шарт қилинади.

(طَلْحَةُ)ўхшаган алам исмларда "то"-таънис мавжуд бўлганлиги сабабли гарчи эр кишига алам бўлса ҳам жамъул-музаккарис-солим билан жамъ қилинмасдан балки жамъул-

муаннасис-солим билан жамъ қилинади, мисол:

طَلْحَةُ – طَلْحَاتٌ و حَمْزَةُ – حَمْزَاتٌ .

تَأبَّطَ شَرًّا و عَبْدُ الْمَلِكِ وبَعْلَبَكَّ дек мураккаботу-каломийя[٢] ва мураккаботу-изофийя[٣] ва мураккаботу-мазжийялардан[٤] қўйилган алам музаккар исмлар ўзларининг лафзларига қолиб, уларга (ذَوُو) музоф қилиб жамъ қилинади, мисол:

ذَوُوبَعْلَبَكَّ و ذَوُوتَأبَّطَ شَرًّا و ذَوُو عَبْدِالْمَلِكِ. يعني أصحاب هذاالإسم .

Музаккар солим жамъи билан жамъ қилинадиган исмлар борки, жамъи музаккар солим жамъи билан жамъ қилинишлик шартлари уларда

бўлмаса ҳам бу жамъ билан жамъ қилинади, мисол:

أرَضُونَ و عَالَمُونَ و عَلِّيُّونَ وأهْلُونَ و بَنُونَ و سِنُونَ.

Айрим исмлар борки музаккар-солим жамъи билан жамъ қилинади, лекин жамъи – музаккар – солим жамъи билан жамъ қилинишлик шартига тўғри келадиган музаккар муфрад исм бўлмайди, мисол:

أ رَضُونَ وَ عَالَمُونَ وَ عِلِّيُّونَ وَ أهْلُونَ وَبَنُونَ وَسِنُونَ.

“Лом” муқобилидаги ҳарфи ҳазф бўлган ва ундан “то-таъанис” эваз бўлган ва жамъи-мукассар бўлмаган сулосий калиманинг ҳар бири мазкур исмларга мулҳақ бўлади, мисол:

عِضُونَ و ثِبُونَ وَ مِئُونَ.

Буларнинг муфрадлари:

عِضَةٌ وَ ثِبَةٌ وَ مِئَةٌ.

٢- جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمُ Охирида алиф ва “то” -мабсута(“тоу”-мажрура ҳам дейилади) зёда қилинган исмдир, мисол:

ثَمَرَاتٌ وَ شَجَرَاتٌ.

Бу жамъларнинг муфрадининг охирида лоҳиқ бўлган “то”-марбута ҳазф қилинади ва уни ҳазф қилиниб жамъ қилинишлиги билан бу жамъ жамъут-таксийр дейилмайди.

Бу жамъ билан қуйидаги исмлар жамъ қилинади:

١ – “То” – таънис билан тугаган ҳар бир исм, мисол:

شَجَرَةٌ – شَجَرَاةٌ .

Лекин айрим исмлар борки, улар бу қоъидадан мустаснодир, улар қуйидагилар:

إ مْرَأةٌ، ج – نِسَاءٌ وَ نِسْوَةٌ وَ نِسْوَا نٌ .

شَاةٌ، ج – شَاءٌ وَ شِيَاهٌ .

قِلَّةٌ، ج – قِلَلٌ .

أ مَةٌ، ج – إمَاءٌ وَ آ مٌ .

مِلَّةٌ، ج – مِلَلٌ .

شَفَةٌ، ج – شِفَاهٌ وَ (شَفَوَا تٌ و شَفَهَاتٌ .

٢ – Мутлақ муаннас алам исмлар ҳам бу жамъ билан жамъ қилинади, мисол:

مَرْيَمَاتٌ.

٣ – Агар масдар исмлар учта ҳарфдан кўп ҳарфлар билан тузулса бу жамъ билан жамъ қилинади, мисол:

تَعْرِيفَاتٌ وَ إِمْتِيَازَاتٌ .

٤ – Таъниснинг икки “алиф”и, яъни “алиф”у–мақсура ва “алиф”у мамдуда билан тугаган ҳар бир муаннас исм ҳам бу жамъ билан жамъ қилинади, мисол:

حُمَّيَاتٌ وَ صَحْرَا وَاتٌ.

Агар “алиф”у – мақсура ва “алиф”у– мамдуда билан тугаган исмлар бўлса, мазкур исмлар жамъу муаннасис – солиму билан жамъ қилинса, жамъ қилинишлкда тасния қилинишлкдаги қоидаларга қиёс қилинади.

Зикр қилинган исмлардан бошқа жамъу муаннасис – солиму билан жамъ қилинадиган исмлар эса “ самоъий” бўлади, яъни қадимдан шу тарзда араблардан эшитилиб, истеъмол қилиниб келинган ва уларга бошқа исмлар қиёс қилинмайди, мисол:

سَمَاوَاتٌ وَ أرْضَاتٌ و سِجِلَّاتٌ وَ حَمَّامَاتٌ وَ سُرَادِقَاتٌ وَ شَمَالاَتٌ وَأ ُمَّهَاتٌ .

Айрим ажамий яъни араб бўлмаган халқларнинг луғати–тилида бўлган бўлган исмлар жамъул–муаннасис–солим жамъ билан жамъ қилинади, мисол:

تِلْغِرَا فَاتٌ.

У ажамий исмларнинг айримлари эса жамъут – таксир жамъи билан жамъ қилинади, мисол:

إ سْكِلَةٌ، ج – أسَاكِلُ –

Рим денгизининг қирғоқидаги кемалар тўхтайдиган бандаргоҳ исми (Италянча исм).

(Лотинча исм). Консул – قُنْصُلٌ، ج – قَنَا صِل

Насароларнинг муаййан шаҳрига белги ланган қози ўрнида бўлган кишиси.

بَطْرَكٌ، ج – بَطَا رِكَة

(Лотинча исм). Олий каниса мартабаси

كَرْدِينَالٌ، ج – كَرَادِلَةٌ

Танбеҳ: Агар бобининг “айн” муқобилидаги ҳарфи саҳиҳ ҳарф бўлиб, сулосий бўлса, жамъу муаннасис – солиму билан жамъ қилинса, ва муфради (فَعْلٌ (ёки (فَعْلَةٌ) вазнига бўлса, “айн” муқобилидаги ҳарф фатҳа билан ҳаракатланишлиги вожиб, мисол:

تَمْرَةٌ، ج – تَمَرَاتٌ وَ رَحْمَةٌ، ج – رَحَمَاتٌ.

Агар (فِعْلٌ) ёки (فُعْلٌ) вазнига бўлса “айн” муқобилидаги ҳарф, ўзидан олдинги ҳарф ҳаракатига эргашиши, ва фатҳа бўлиши,ва “айн” муқо-билидаги ҳарф сокинли ҳолатда қолишлиги жоиз, мисол:

كِسْرَةٌ، ج – كِسِرَاتٌ، كِسَرَاتٌ، كِسْرَاتٌ .

حُجْرَةٌ، ج – حُجُرَا تٌ، حُجَرَاتٌ، حُجْرَا تٌ .

Агар ажваф қисмидан бўлса, “айн” муқобилидаги ҳарф, сукунли бўлишлги вожиб бўлиб, “фо” муқобилидаги ҳарф қандай ҳолатда бўлишлигининг фарқи йўқ, мисол:

جَوْزَةٌ، ج – جَوْزَا تٌ. بِيعَةٌ، ج – بِيعَاتٌ .

Агар ноқис қисмидан бўлиб, унинг “фо” муқобилидаги ҳарф касралик бўлса ва “вов”лик ноқис бўлмаса унинг ҳукми “айн” муқобилидаги ҳарф саҳиҳ бўлган исмнинг ҳукмида бўлади, мисол:

رَمْيَةٌ، ج – رَمَيَاتٌ. رُقْوَةٌ، ج – رُقُوَاتٌ وَ رُقَوَاتٌ وَ رُقْوَا تٌ .

Агар “фо” муқобилидаги ҳарф максур бўлиб, “вов”лик ноқис қисмидан бўлса “фо”дан кейинги ҳарф каср бўлиб “фо”га эргашишлиги мумкин эмас, балки сукун ва фатҳ бўлишлиги жоиздир.

Бу қоидага (جِرِوَاتٌ) мисоли хлофи қиёс бўлиб, шоздир. Агар "фо" муқобилидаги ҳарфи заммалик бўлиб

"ё" лик ноқис қисмидан бўлса ҳам шу қоидага мувофиқ бўлади. Аммо агар идғомлик бўлса ўз ҳолича қолади, мисол:

ضَمَّةٌ، ج – ضَمَّاتٌ. عِزَّةٌ، ج – عِزَّا تٌ .

٣- الْجَمْعُ الْمُكَسَّرُ Бу жамъ, бирлигининг биноси ўзгарган жамъдир. Жамъу мукассар қилиб жамъ қилиш турлари уч турлидир.

١ – ҳаракатларини алмаштиришлиги билан жамъу мукассар жамъи қилинади, мисол:

أُسُدٌ — أَسَدٌ، ج.

٢ – Ҳарфларидан биттасини ҳазф қилишлик билан жамъу мукассар жамъи қилинади, мисол:

رَسُولٌ، ج – رُسُلٌ.

٣ – Бирлигига битта ҳарфни зёда қилишлик билан жамъу мукассар жамъи қилинади, мисол:

رَجُلٌ – رِجَالٌ.

Жамъу мукассар икки турлидир, жамъул – қилла ва жамъул касра:

١ – جَمْعُ الْقِلَّةِ - Уч ва учдан юқори ўнгача бўлган ададга далолат қилган жамъ исм бўлиб, унинг вазни тўрттадир:

١- أَفْعَالٌ – أَظْفَارٌ مُفْرَدِ ظُفْرٌ

٢- أفْعُلٌ – أ نْفُسٌ ~ نَفْسٌ .

٣- أفْعِلَةٌ – ألْسِنَةٌ ~ لِسَانٌ.

٤- فِعْلَةٌ – غِلْمَةٌ ~ غُلامٌ.

(أ فْعَالٌ وَ أ فْعُلٌ) Бу иккала вазнда бўлган жамъул-қилла исмлар қайта иккинчи мартаба жамъ қилиниб жамъул – касрат мартабасига кўтарилади, мисол:

فِيرُ. أظْفَارٌ جج – أظَا

أكْلُبٌ جج – أكَالِبُ .

(أفَاعِيلُ وَ أفَاعِلُ) вазнларида келган жамъ исмларга сиғатул – мунтаҳал – жумуъ дейилади. Бу сиғадан мақсад жамънинг алифидан кейин иккита

ҳаракатли ҳарф воқеъ бўлиши ҳосил бўлган ҳар бир исмдир, мисол:

مَسَا جِدُ وَمَقَابِرُ.

Ёки жамънинг “алиф”идан кейин учта ҳарф воқеъ бўлиб, бу уч ўртасидаги ҳарф орасида сокинли “ё” бўлган ҳар бир исмдир, мисол:

قَنَادِيلُ وَ مَصَابِيحُ .

Танбеҳ: Агар жамъул – қиллага (الْ) истиғроқя[٥] кирса ёки жамъул – қилла кўпликга далолат қилган исмга музоф бўлса, жамъул – касра далолат қилган кўпликга далолат қилади, мисол:

أَيُّهَا الشُّيُوخُ لا تَكُونُوا كَالْفِتْيَةِ، إِحْفَظُوا أَنْفُسَكُمْ.

Аммо (جَمْعُ الْكَثْرَةِ) учта ва ундан ортиқ чексиз ададга далолат қилган исмдир.

